Бузаҳро Маъруфжановна БЕГМАТОВА
Тошкент давлат шарқшунослик университети юридик фанлар номзоди,доцент

АРАБ НАҲВИДА ЖИНС КАТЕГОРИЯСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

КАТЕГОРИЯ РОДА В АРАБСКОЙ ГРАММАТИКЕ

CATEGORY OF GENDER IN GRAMMAR OF ARABIC LANGUAGE

Аннотация: *Араб тилида сўзлар икки жинс, яъни музаккар ва муаннс жинсларга бўлинади. Ҳар икки жинсни ажратиб турувчи морфологик кўрсаткичлар мавжуд бўлсада, баъзида улар ҳам сўзни қайси жинсдалигини ажратиб олишга ёрдам бера олмайди. Мазкур мақолада машҳур араб тилшунослари Аҳмад Қаббис, Антуан ад-Даҳдаҳ ва Ҳифни Носифларнинг жинс категориясига оид назарияларига тўхталиб, уларнинг фикрларини қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.*

Калит сўз ва иборалар: *морфология, грамматик категория, музаккар, муаннас, "та марбута", ҳақиқий, лафзий, маънавий.*

Аннотация: *В арабском языке слова делятся на два рода: музаккар и муаннас. Существуют морфологические показатели, по которым можно их различить, однако есть случаи, когда и они не помогают определить, к какому роду принадлежит слово. В данной статье мы сосредоточились на теориях категории рода известных арабских лингвистов, таких как Ахмад Каббис, Антуан ад-Дахдах, Хифни Насиф, провели сравнительный анализ их взглядов и, таким образом, изучили, как эта тема раскрывается в контексте синтаксиса арабского языка.*

Ключевые слова*: морфология, грамматическая категория, музаккар, муаннас, «та марбута», истинный, словесный, смысловой.*

Annotation. *In Arabic, words are divided into two genders: muzakkar and muannas. There are some morphological indicators by which you can distinguish them, however, there are cases when they do not help to determine which gender the word belongs to. In this article, we focused on the theories of the category of gender of famous Arabic linguists, namely Ahmad Kabbis, Antoine al-Dahd, Hifni Nasifa, conducted a comparative analysis of their views thus explored how this topic is revealed in the context of the syntax of Arabic language.*

Keywords*: morphology, grammatical category, muzakkar, muannas, "ta marbuta", true, verbal, semantic.*

КИРИШ

Маълумки, умумий тилшуносликда тилларнинг турли грамматик маънолари учрайди. Лекин бу грамматик маънолар ва уларнинг ифодаланиши ҳамма тиллар учун умумий, универсал эмас. Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари, грамматик маънолари, уларни ифода этувчи воситалари мавжуд. Улар айрим-айрим мавжуд бўлмай, балки маъно турларининг яқинлигига қараб, гуруҳ-гуруҳларга бирлаштирилади. Бундай гуруҳларда улар сон жиҳатдан камида иккита ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Ана шундай бирликалар тилшуносликка оид адабиётларда грамматик категориялар дейилади. Ҳар қандай грамматик категория грамматик маъно ва грамматик шаклнинг бирлигидан, яъни йиғиндисидан иборат бўлади.

Грамматик категориялардан бири, бу жинс категорияси бўлиб, у тилнинг грамматик қурилиши билан боғлиқ. Шундай экан, жинс категорияси ҳамма тилларда ҳам мавжуд эмас.

Маълумки, араб тили грамматикасида отлар икки жинсга – музаккар ва муаннасга ажратилади. Музаккар жинс бизга таниш бўлган рус тилидаги "мужской род"га, муаннас эса "женский род"га тўғри келади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Энди эса араб наҳвида бу категория қандай ўрганилган, ҳар икки жинсга қандай таърифлар берилганлигига батафсил тўхталиб ўтсак.

Машҳур араб тилшунос олими Антуан ад-Даҳдаҳ ўзининг «معجم قواعد العربية العالمية» асарида музаккар жинсга қуйидагича таъриф берилади:

مذكر – (مثل حاتم، قيس، جعفر، نهر، قمر) لا يحتاج الى علامة لفظية تزاد على صيغة لتدل على تذكريها.

Музаккар жинс ёки музаккар жинсдаги сўзлар (Хотим, Қайс, Жаъфар, дарё, ой.) уларни

музаккар жинсдалигини англатиш учун махсус қолипга ва лафзий белгига муҳтож эмас.

الاسم المذكر هو ما دل على الذكور من الناس و الحيوانات (مثل: اب، رجل، تلميذ، اسد، حصان، عصفور) لها فقد جعل بعضها مذكر (مثل: قمر، سيف، قلم، كتاب، باب).

Музаккар жинсдаги исм инсон ёки ҳайвонларнинг музаккар, яъни эркаклигидан далолат беради. Масалан: ота, киши, ўқувчи, шер, от, булбул. Аммо жонсиз нарсаларнинг баъзилари ҳам музаккар жинсга киритилган. Масалан: ой, қилич, қалам, китоб, эшик [7: 276].

Яна бир тилшунос олим Ҳифни Носифнинг музаккар жинсга берган таърифига тўхталиб ўтсак. У қуйидагича таъриф беради: музаккар жинс эркак киши ёки эркак кишига тегишли сифатга ишора қилади. Мазкур жинсга ишора қилганингда هذا -“бу” кўрсатиш олмошидан, “اللذى” нисбий олмошидан ҳамда “هو” - “у” кишилик ва “ه” - “у” бирикма олмошидан фойдаланасан. Феълий жумлада унинг эгаси сифатида “та” қўшимчаси қўшилмайди [9: 122].

Араб наҳвида музаккар жинсда ҳисобланувчи яна шундай сўзлар борки, араб наҳвчи олимлари уларни “лафзий муаннас исмлар”, деб номлаб, муаннас жинсдаги сўзлар ичида ўрганганлар. Лекин араб тилшуносларининг ўзлари ҳам бундай сўзларни қатъий у ёки бу жинсга тегишли, деб бир тўхтамга келмаганлар.

Араб тилшунослари лафзий муаннас исмларни қуйидагича шарҳлаб ўтадилар. Наҳвшунос олим Аҳмад Қаббис ўзининг “الكامِلُ في النّحو و الصَّرْفِ و الإعْرَابِ” номли асарида шундай дейди:

المؤنث اللفظي» ما لحقتْهُ علامَةُ التَّأنِيث سَوَاءً دَلَّ على مؤنثٍ أمْ مذكّر مثلَ: طَلْحَةٌ و خدِيجَةٌ [8: 231] .

Яъни, бундай исмларда муаннаслик белгиси бўлиб, муаннас ҳамда музаккар жинсдаги исмларда баб-баробар қўлланилади, бошқача айтганда, бундай исмлар муаннас ва музаккар исмларга далолат қила олади. Масалан: حديجةٌ - Ҳадича, طلحَةٌ - Талҳа.

Машҳур тилшунос олим Антуан ад-Даҳдаҳнинг эса бу борадаги фикри бироз бошқачароқ. У лафзий муаннас исмларга қуйидагича ёндашади:

Яъни, лафзий муаннас исмларда муаннаслик белгиси фақат лафзий бўлиб, улар аслида музаккар исмлардир. Масалан: مُعَاوِيَةٌ - Муовия, ذكريّاءُ - Закариё [7: 277].

Ҳифни Носифнинг фикри эса қуйидагича: лафзий муаннасдаги исмлар шундай исмларки, уларда муаннаслик аломатлари (яъни муаннас жинсига ишра қилувчи қўшимчалар) бўлсада, бундай сўзлар музаккар жинсида ҳисобланади, масалан: Ҳамза, Закариё [9:122].

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, лафзий муаннасдаги сўзлар икки хил талқин қилинаяпти, яъни Аҳмад Қаббис бундай сўзлар ҳам музаккарда, ҳам муаннасда бўлиши мумкин, деб ҳисобласа, Антуан ад-Даҳдаҳ ва Ҳифни Носиф уларда муаннаслик белгиси фақат лафзий бўлиб, улар аслида музаккар исмлардир, деб таъкидлайдилар.

Лафзий муаннасдаги сўзларга нисбатан бундай икки хил ёндошув ўзбек ва рус арабшуносларининг манбаларида ҳам мавжудлигини кўриб ўтдик, жумладан, устозимиз Б.З.Холидов ҳам лафзий исмларга шундай изоҳ беради:

“Яна шундай сўзлар борки, улар музаккарда ҳам муаннасда ҳам бўлиши мумкин. “халифа” каби баъзи сўзлар “та марбута”га тугасада, улар эркак кишига ишора қилгани учун музаккарда ҳисобланади [4:70].

Рус арабшуноси Б.М.Гранде ва ўзбек арабшунослари Н.Иброҳимов ва М.Юсуповларнинг бу борадаги фикрлари деярли бир хил, яъни қуйидагича: “та марбутага тугаб, эркак жинсини англатувчи исмлар музаккарда ҳисобланади, масалан: خليفة-ўринбосар, طالعة-разведкачи ва шу каби сўзлар [2: 269]; [3:48].

Юқоридаги лафзий муаннас исмларга берилган таърифлардан, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, лафзий муаннас исмлар - булар муаннаслик белгиси бўлган музаккар жинсдаги исмлар, ҳамда, ҳам муаннас, ҳам музаккар жинсдаги исмлардир. Бундай сўзларнинг жинси уларни семантик нуқтаи назардан таҳлил қилинганида маълум бўлар экан. Масалан:

و لَمَّا إتَّخَذَ النَّبِيُ دَارَ الأَرْقَمَ مَجْلِسًا لَهُ مع المُسْلِمِينَ و حَمْزَةُ مِنْ بَيْنِهِمْ...

Пайғамбар алайҳиссалом мусулмонлар билан Ал-Арқамнинг ҳовлисини мажлис учун (танлаб) олганида Ҳамза ҳам уларнинг орасида эди.

وَ زَكَرِيَّاءُ إذْ نَادَى رَبَّهُ رَبِّ لا تَذَرْنِى فَرْدًا و أَنْتَ خَيْرُ الوارِثِينَ.

Закариёнинг: “Эй Раббим, мени ёлғиз ташлаб қўйма (меросхўр фарзанд ато эт), сен (ўзинг) ворисларнинг яхшироғидирсан”, - деб нидо қилган пайтини (эсланг)”.

Ўзбек ва рус тилидаги манбаларда музаккар жинс ҳақидаги маълумотлар батафсил

ёритилмаган бўлсада, наҳвшунос олимлар Антуан ад-Даҳдаҳ, Аҳмад Қаббис ва Ҳифни Носифларнинг фикрларидан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, музаккар жинсдаги исмлар инсон, ҳайвон ва жонсиз нарсаларни ифодаловчи исмлар бўлиши мумкин экан, уларнинг музаккарлигини билдириш учун аниқ бир қўшимчалар мавжуд эмас экан.

Энди араб наҳвида муаннас жинси қандай ёритилганига тўхталиб ўтсак, ушбу жинс жуда яхши, батафсил ўрганилган ва барча тилшунос олимлар муаннас жинс категориясига тўлиқроқ, мукаммалроқ ёндашганлар. Масалан Ҳифни Носиф унга қуйидагича тариф берган:

Муаннас жинси аёл кишига, ҳайвонларнинг урғочисига ҳамда уларга тегишли сифатга ишора қилади. Бу жинсга ишора қилганингда هَذِهِ "бу" кўрсатиш олмошидан, "اللتى" нисбий олмошидан ҳамда "у" кишилик ва "у" бирикма олмошидан фойдаланасан. Феълий жумлада унинг эгаси сифатида "та" қўшимчаси қўшилади, масалан: аёл, фозила. Муаннас жинсининг кўрсаткичлари "Ойша" сўзидаги та марбута, "ҳубла" сўзидаги алиф мақсура ва "ҳасна" даги алиф мамдудадир [9:122].

Антуан ад-Даҳдаҳнинг "معجم قواعد العربية العالمية" асарида муаннас жинсга берилган таъриф эса қуйидагича:

«مُؤَنَّثٌ: ما يَصِحُّ الإِشَارَةُ إِليهِ بِكَلِمَةِ هَذِهِ: هَذِهِ أَمِيرَةٌ. هَذِهِ سَلْمَى. هذه حسْنَاءُ. و المَؤَنَّثُ نوْعَانِ: حَقِيقِيٌّ و مجازِيٌّ. و ثلاثةُ أَقْسَام: لَفْظِيٌّ، مَعْنَوِيٌّ، و لَفْظِيٌّ و مَعْنَوِيٌّ معًا» [7: 277].

Яъни, "Муаннас жинсдаги исмларни кўрсатиш учун, уларнинг олдига هذه сўзи билан ишора қилиш саҳиҳ-тўғри бўлади: هذه أميرَةٌ- Бу Амира, هذه سَلْمَى - Бу Салмо, هذه حَسنَاءُ - Бу Ҳасно каби. Муаннас исмлар икки хил бўлади: ҳақиқий ва мажозий. Булар ўз навбатида уч қисмга бўлинади: лафзий муаннас исмлар, маънавий муаннас исмлар ҳамда ҳам лафзий, ҳам маънавий бўлган муаннас исмлар.

Кўриб турганимиздек, араб тилшунос олимларининг муаннас жинсига берган таърифларида деярли фарқ йўқ, яъни улар бу жинсининг морфологик кўрсаткичи қандай бўлиши, уларга ишора қилинганида қандай олмошлардан фойдаланилади шулар ҳақида тўхталиб ўтганлар. Энди ўзбек ва рус арабшуносларининг бу жинс борасидаги қарашларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, жумладан, ҳурматли устозимиз А. Абдужабборов муаннас жинсига қуйидагича таъриф берган: "Аёл (урғочи)" зотини англатадиган отларнинг ҳаммаси муаннас жинсига киради. Масалан: أمّ – она; أخت – опа ёки сингил; عروس – келинчак; بقر – сигир. Шунингдек, охирида "та марбута" қўшимчаси бўлиб, эркак зотини билдирмайдиган исмлар ҳам муаннасда ҳисобланади. Масалан: جدّة – буви, مدينة – шаҳар, قرية – қишлоқ [1:67].

Яна бошқа арабшуносларимиз Н.Иброҳимов ва М.Юсуповлар томонида шундай таъриф берилган: "муаннас жинсининг грамматик белгиси сўз охиридаги –атун, -ату қўшимчасидир. У ёзувда ة (та марбута) ҳарфи билан ифодаланади.

Шунингдек, اء - ау қўшимчаси билан тугаган ҳамда ى – қўшимчаси билан тугаган сўзлар, агар ى – ҳарфи ўзак таркибига кирмаса, муаннас сўзлар ҳисобланади. Масалан: صحراء – саҳро, ذكرى – хотира. Бошқа товуш (ҳарф) билан тугаган сўзлар музаккар жинс ҳисобланади [3:47]".

ХУЛОСА

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, исмларни музаккар ва муаннас жинсларга ажратиш араб тилига хос ва у араб наҳвининг муҳим категорияларидан биридир. Барча муаллифларнинг фикри, бу соҳада деярли бир хил. Фақат муаннас исмларни фарқлашда, уларни турларга ва гуруҳларга ажратишда, ҳар қайси наҳвшунос олимнинг ёндашувида бироз фарқ бор.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдужабборов А. Араб тили. –Т.:Тошкент ислом университети, 2007. -307 б.
2. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно историческом освещении. М.: "Восточная литература" РАН, 1998. – 592 с.
3. Иброҳимов Н., Юсупов М.. Араб тили грамматикаси. I Ж. –Наманган: Ибрат, 2009. – 584 б.
4. Халидов Б.З. Учебник арабского языка. -Т.: Ўқитувчи, 1977. -654 с.
5. Носирова М.А. Маҳмуд Замахшарийнинг "Ал-Унмузаж финнаҳв" рисоласи. – Т.:ТошДШИ, 2005. 186 б.
6. Саййид Шариф Журжоний. Наҳви Мир. – Карачи: Қадимий кутубхона, 1997.
7. انطوان الدحداح. « معجم قواعد العربية العالمية ». مكتبة لبنان ناشرون. طُبع في بيروت. لبنان. 3991.
8. احمد قبّس "الكامل في النحو و الصرف و الاعراب" دار الرشيد دمشق – بيروت 6041هـ 6891.
9. حفى ناصف. محمد دياب. مصطفى طموم. محمد صالح. الدروس النحوية. دار العقيد. مصر، 7002.
10. محمود الزمخشرى. الانموذج في النحو. مصر. 3231 ه./7891م. ص. 804